



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 4 (13.601)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Шавкат Миромонович!  
Азиз қардошим!

Туркменистон халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Сиз ва бутун қардош Ўзбекистон халқини самимий табриклаш ва эзгу тилакларимни йўллаш мен учун улкан шараф.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 25 йилда қардошлик алоқаларимиз фаол ривожланди ва изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Давлатлараро муносабатларнинг бугунги юксак даражасини қайд этар эканман, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро англашув тамойилларига асосланган ҳамкорлик янада жадал ва изчил, ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик, очкиклик руҳида ривожланиётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Икки томонлама алоқаларни ривожлантирадиган эканмиз, биз туркман ва ўзбек халқлари ўртасида шаклланиб бораётган қардошлик ва ўзаро ҳурмат аънаналарига, маънавий ва тарихий қадриятлар муштараклигига, давлатларимизнинг халқаро муносабатларда тинчликсеварлик ва инсонпарварлик тамойилларига содиқлигига таянамиз. Бугунги кунда мамлакатларимиз нафақат икки томонлама, балки халқаро тузилмалар доирасида ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Глобал ва минтақавий миқёсдаги нуфузли ташкилотлар доирасида мамлакатларимиз томонидан илгари сурилётган халқаро ташаббус ва тақдирлар ўзаро қўллаб-қувватланаётгани шундан далolat беради.

Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Маданият, илм-фан соҳаларидаги ҳамкорлик тобора кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик бўйича Туркменистон – Ўзбекистон тўшма комиссиясининг фаолияти бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хурматли Шавкат Миромонович!

Туркменистон мамлакатларимиз ўртасидаги вақт синовидан ўтган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий алоқаларни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга тайёр. Ишонаманки, Туркменистон ва Ўзбекистон муносабатлари келажақда ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида муттасил ривожланиб бораверади.

Азиз қардошим, мактубим якунида Сизнинг Туркменистон – Ўзбекистон ҳамкорлигига шахсан қаратаётган алоҳида эътиборингиз учун миннатдорлик билдиришга, Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлат раҳбари сифатида қардош Ўзбекистон Республикаси тараққиёти ва унинг халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Юксак ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,  
Туркменистон Президенти

## “ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗ ВАЪДАСИНИ БАЖАРИШДА ҚАТЪИЙ ЭКАНЛИГИНИ НАМОЁН ЭТДИ”

Буюк Британиядаги номдор “iDi Magazine” журналида Ўзбекистонга бағишланган мақола нашр қилинди. Бош муҳаррир ўринбосари Якопо Деттони қаламига мансуб материалда Ўзбекистон валюта бозорининг либераллашуви сиёсати таҳлил этилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатга хорижлик сармоядорларни қайтариш бўйича кенг қамровли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбари хорижий сармоялар учун энг асосий тўсиқлардан бирини бартараф этиш мақсадида кўп йиллик кучли валюта назоратидан воз кечди.

Ўзбекистон валюта режими ўтган йиллар давомида халқаро яқаланиш эвазига бўлса-да миллий sanoatни илгари суриш мақсадида тузилган кучли молиявий назорат тизимининг марказий қисми эди. Бироқ сўнгги йиллар давомида Ўзбек сўмининг расмий курси билан “қора бозор” баҳоси ўртасидаги фарқ сезиларли даражада ўсиб кетганидан сўнг бу тизим борган сари самарасиз бўлиб қолди, деб ёзади британиялик эксперт.

2017 йил бошида Президент Шавкат Мирзиёев валюта алмашуви либераллаштирилишини эълон қилгани ҳолда, бу тажрибага барҳам берди. Хорижлик кузатувчилар мазкур молиявий жараёни муносиб эътироф этдилар.

“Control Risks” консалтинг фирмасининг Россия Федерацияси ва МДҲ бўйича етакчи ҳамкори Тим Стэнлининг баён этишича, ушбу чора “муайян босқичда тўрт хил алмашув курси амал қилган (Марказий банк, пул айирбошлаш шохобчаси, биржа ва “қора бозор”

баҳолари) бу тизимга хос бўлган йўлни сармоядорлар учун кўпгина фирибгарлик ва коррупция хатарларидан тозалайди. Бу тўғри йўналишдаги зарур чора эди”.

Мақолада алоҳида таъкидланишича, Шавкат Мирзиёев иқтисодийни модернизациялаш ва либераллаштириш бўйича ўз ваъдасини бажаришда қатъий эканлигини намоён этди. Ўзбекистон Президенти “пахта далаларида мажбурий меҳнатга барҳам берди, Европа тиклаш ва тараққиёт банки сингари халқаро институтлар билан ўзаро муносабатларни қайта тиклади, шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш асносида маъмурий тизимни ислоҳ этишга интилоқда”.

“iDi Magazine” журнали “Moody's” халқаро рейтинг агентлигининг 2017 йил 11 сентябрдаги маълумотида мурожаат этар экан, сўмнинг кадр-қиммати бўлган ишончли тиклаш мақсадларидаги пул-кредит ва фискал сиёсатни самарали амалга ошириш, пул қадрсизланишини тутиб туриш ва иқтисодийни мустаҳкамлаш фавқуллодда мураккаб кечади, деган фикрларни ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилган.

“Жаноб Мирзиёев орта чекимда, хавф-хатарларга пешвоз чиқди”, дея хулоса қилади Буюк британиялик таҳлилчи.

“Жаҳон” АА



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон давлат университетиде ташкил этилган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга бағишланган маънавий-маърифий тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши вакиллари, профессор-ўқитувчилар, фаол ёшлардан иборат тарғибот гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари иштирок этди.

• Жиззахда Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги, Жиззах вилояти хотин-қизлар кўмитаси, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб “Аскар оналарини шарафлаймиз!” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

• Самарқандда вилоят ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида “Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир” шиори остида “Армия ва ёшлар” фестивали ташкил этилди.

• Термизда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши бошқарувининг 2017 йил фаолияти якунлари ва 2018 йилдаги устувор вазифалари ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Андижон давлат тиббий институтининг бакалавр ва клиник ординатура йўналиши битирувчилари шифокорлик қасамёдини қабул қилди.

• Қаршида “Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир” шиори остида Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан ҳарбий хизматчилар ўртасида “Тафаккур” интеллектуал мусобақаси ўтказилди.

• Фарғона шаҳридаги “Истиклол” стадионида бўлиб ўтган “Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир” шиори остидаги фестивалда 15 мингдан зиёд ёшлар, ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

• “Элеанор” тўфонининг хуружи Францияга катта талафотлар етказди. Табиий офат бир кишининг ҳаётига зомин бўлди, 15 нафар одам жароҳатланди. 200 минг хонадон электр қувватидан узилиб қолди. Париж шаҳри атрофида поездлар ҳаракати изидан қичди. Франция пойтахтидаги машур Эйфелъ миносари ҳам сайёҳлар ташрифи учун вақтинчалик ёпилди.

• Либериянинг яқинда сайланган янги президенти – футбол бўйича собиқ жаҳон юлдузи Жорж Веа 80 фоиз махсулот экспорт қилинадиган ушбу мамлакатни ривожлантиришнинг келажақдаги режалари хусусида маълумот берди. Унда биринчи навбатда ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш юзасидан махсус дастурнинг ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

• Санкт-Петербургда телефон терроризми билан шугулланганда гумон қилинаётган шахс қўлга олинди.

• Англиянинг Ливерпуль шаҳридаги кўп қаватли автомобилларни сақлаш жойида чиққан ёнғин туфайли 1600 га яқин машина куйиб қолди. Дастлабки маълумотларга кўра, ёнғиннинг келиб чиқишига автомобиллардан биттасининг ёниб кетганили сабаб бўлган. Ҳозирда ушбу автоуловларнинг эгаларига ўз машиналари қайд этилган сугурта компанияларига мурожаат қилишлари тавсия этилмоқда.

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини муносабати билан тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 декабрдаги қонунига мувофиқ жорий этилган мазкур сана мамлакатимизда иккинчи бор нишонланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев прокуратура органлари фаолияти ҳақида тўхталар экан, бу тизим қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Шу мақсадда соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг қўллаш ишлар амалга оширилди. Соҳа ходимларининг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев ана шу жиҳатларга эътибор қаратар экан, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашда соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият янги даражасида қўйд этиди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоялаш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолият изчил тақомиллаштирилмоқда.

Зеро давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади. Қабул

қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдирини туради. Шундай экан, етти ўлба бир кешиб бу борада асосий мезон бўлиши шарт.

Ҳаракатлар стратегияси, Маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида инсон ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар қўйилди. Аҳоли ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари изчил таъминланаётди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига эътибор қўйилгани прокуратура ходимларининг халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имкониятини оширди.

Бош прокуратура, Ҳарбий прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚДЛҚК департаменти, Мажбурий ижро бюроси ходимлари ва бошқалар иштирок этган тадбирда жиноятчиликка қарши курашиш ва қонунийликни таъминлаш, юридик кадрларни тайёрлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳамда хизмат вазифасини намунали бажараётган ходимлар, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар вакиллари муносиб тақдирланди.

Норгул АБДУРАИМОВА

## САЙЛОВНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича ягона матбуот марказида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловининг якуний натижалари эълон қилинди.

Брифингда Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раиси Х.Каримов 330 сайлов округидан депутатлар тўлиқ сайлангани ҳақида маълум қилди. Сайловда Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган 1 миллион 560 мингдан зиёд сайловчининг 1 миллион 267 мингдан ортиси иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 81,2 фоизини ташкил этди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 137, Ўзбекистон “Миллий тиклаш” демократик партиясидан 54, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 49, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан 37, шуниингдек, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органларидан 53 нафар депутат сайланди.

Депутатларнинг 254 нафарини эркаклар, 76 нафарини аёллар ташкил этади. 20 нафар депутат 30 ёшгача бўлган ёшлардир.

Депутатларнинг 87 нафари иқтисодчи, 34 нафари ҳуқуқшунос, 61 нафари педагог, 43 нафари шифокор, 55 нафари муҳандис ва 50 нафари бошқа касб эгаларидир.

Эслатиб ўтамиз, 2017 йил 24 декабрь кунини Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Сайланган депутатлар ўз ваколатларини 2019 йил мамлакатимизда ўтказиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайловгача амалга оширади.

Улуғбек АСРОПОВ

Газетамизнинг 2-саҳифасида такрорий овоз бериш жараёни орқали Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайланган депутатлар рўйхати эълон қилинмоқда.

## ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ УЙ-ЖОЙ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Мирзо Улуғбек туманида “Ёшлар уйи” фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида қўйд этилган 2 та 16 хонадондан иборат мазкур уй 32 нафар ёш оилаларга бошланғич бадалсиз, 20 йил муддатга

имтиёзли ипотека кредити асосида тўлаб бориш шарти билан берилди. Мазкур объект фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар, уларнинг ота-оналари, нурунийлар, Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари иштирок этди.

Ушбу уйлар барча қулайликларга эга бўлиб, табиий газ, иссиқ сув, телефон алоқаси ҳамда электр энергияси билан таъминланган.

Маълумот ўрнида айтиш керак: 2017 йил пойтахтимизнинг Олмазор ва Юнусобод туманларида 176 хонадондан иборат 8 та “Ёшлар уйи” барпо этилган.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,  
УАА муҳбири



# ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАН ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШДА ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи	Эгаллаб турган лавозими	Турар жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
<b>БЕКТЕМИР ТУМАНИ</b>						
1	Ашуров Суюн Раҳматович	1975	"Адолат" СДП	"Адолат" СДП Бектемир тумани Кенгаши раиси вазифасини бажарувчиси	Тошкент шаҳри	30-Халқа
<b>МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ</b>						
1	Шавазов Кадиржон Ачилович	1969	ЎзЛиДеП	Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти проректори	Тошкент шаҳри	2-Олой
<b>МИРОБОД ТУМАНИ</b>						
1	Қулматова Гулибахор Баратовна	1961	"Миллий тикланиш" ДП	Миробод тумани ФХДЭ мудираси	Тошкент шаҳри	11-Локомотив
2	Шарипов Баҳром Рустамович	1983	"Миллий тикланиш" ДП	"Melange Trane" хусусий корхонаси директори	Тошкент шаҳри	13-Заминобод
3	Пулатова Шахноз Садуллаевна	1959	ЎзХДП	1-сонли Республика клиник шифохонаси реабилитация неврология маркази мудираси	Тошкент шаҳри	22-Оқ уй
4	Ишанқулов Фарход Парманович	1986	"Адолат" СДП	"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудираси	Тошкент шаҳри	24-Зиёнон
<b>ОЛМАЗОР ТУМАНИ</b>						
1	Ташмухамедов Аҳмад Эркинович	1967	ЎзЛиДеП	"Лаксисам Фармасиютикалс" масъулияти чекланган жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	11-Умид
2	Яхяев Кабулжан Алимович	1966	ЎзЛиДеП	"Диенвиди" Ўзбек-Латвия қўшма корхонаси бош директори	Тошкент шаҳри	12-Гулзор
3	Ташпулатова Масуда Джўраевна	1953	"Адолат" СДП	"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Олмазор тумани таянч маскани директори	Тошкент шаҳри	15-Бўстонбод
4	Халилов Жаҳонгир Тофик ўғли	1980	"Миллий тикланиш" ДП	"CARBONGROUP" масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри	23-Зарқайнар
5	Ходжимухамедова Раъно Абдуллаевна	1959	ЎзЛиДеП	"Shifo-Nur-Servis" хусусий фирмаси қошидаги "G uncha Med" клиникаси раҳбари, ЎзЛиДеП Олмазор туман Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	30-Чустий
<b>СЕРГЕЛИ ТУМАНИ</b>						
1	Мамадалиев Соипназар Худойназарович	1963	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	Сергели туманидаги "Ноғайқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Тошкент шаҳри	8-Кубайтепа
2	Шамсиев Рустам Ташпулатович	1987	ЎзХДП	"Тошкент иссиқлик электромаркази" газ турбина цехи бошлигининг ўринбосари	Тошкент шаҳри	9-Ўзар
3	Бабаханов Икромжон Тилалович	1969	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	"Тошкент рангли металл парчалари ва резин-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи" акциядорлик жамияти бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри	24-Лутфор
<b>УЧТЕПА ТУМАНИ</b>						
1	Якубов Абдор Тулкунович	1971	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	"Ўзбекэнерго" АЖга қарашли тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улашни мониторинг хизмати бошлиқ ўринбосари	Тошкент шаҳри	2-Ҳамкор
2	Салимова Нигора Абдулкаримовна	1961	ЎзЛиДеП	Учтепа туманидаги 107-мактаб директори	Тошкент шаҳри	3-Истироҳат
3	Зайнитдинов Нуриддин Зиявуддинович	1988	ЎзЛиДеП	"Volant Eagle" масъулияти чекланган жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	5-Янги Лабзак
4	Мирсоатов Миробид Пулатович	1967	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	"S.YAKUBOV VA ADVOKATLAR" масъулияти чекланган жамияти адвокатлар ҳайъати адвокати	Тошкент шаҳри	7-Ёнғоқ
5	Шоумаров Нодир Дилшодович	1986	ЎзЛиДеП	"Morgan Bravo Lyuks" хусусий корхонаси раҳбари	Тошкент вилояти	8-Бешқайрағоч
6	Мамедов Аласкер Анварович	1984	ЎзЛиДеП	"Қонун ва адолат" адвокат бюроси адвокати, "Чиноз балиқларига омухта ем тайёрлаш" хусусий корхонаси раҳбари	Тошкент шаҳри	14-Тақачи
7	Якубов Абдумажит Латибджанович	1961	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	Учтепа туманидаги "Зарафшон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Тошкент шаҳри	17-Ўрикзор
8	Файзиев Ахбор Акмалович	1966	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	"Зарафшон Извест" масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри	18-Боғистон
9	Раҳмонбердиев Ойбек Мўминжон ўғли	1992	"Миллий тикланиш" ДП	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Учтепа туман Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	19-Боғобод
10	Саидходжаева Муқаддас Сабитовна	1969	ЎзХДП	Шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг шошилиқ қабул қилиш бўлим мудираси	Тошкент шаҳри	21-Найман
11	Мамаджанов Миразиз Гапуржанович	1985	ЎзЛиДеП	"Шерхон лаззат таомлари" масъулияти чекланган жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	22-Иза
12	Козлов Александр Александрович	1982	ЎзЛиДеП	"Yangi texnologiyalar" масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри	23-Тинчликбод
13	Абдусаломов Фахриддин Миркамалович	1981	"Адолат" СДП	Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежи ўқитувчиси	Тошкент шаҳри	24-Ватан
14	Усмонова Юлдуз Хабибуллаевна	1989	"Адолат" СДП	Учтепа туманидаги 360-мактабгача таълим муассасаси мудираси	Тошкент шаҳри	25-Ҳақиқат
15	Ҳакимов Улуғбек Асатуллаевич	1973	ЎзЛиДеП	"Рости Расти барака" масъулияти чекланган жамият директори	Тошкент шаҳри	26-Ширин
16	Мадрахимов Тулибай Абдукаримович	1968	ЎзХДП	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети проректори	Тошкент шаҳри	27-Фарход
17	Мухаммадиев Жаҳонгир Гадайнисович	1983	ЎзЛиДеП	Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг ички назорат департаменти бош мутахассиси	Тошкент шаҳри	28-Қўрғон
18	Мирфайзиева Ферузахон Махкамовна	1959	ЎзЛиДеП	"Maxkamlavert" адвокатлик бюроси директори	Тошкент шаҳри	29-Алгоритм
<b>ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ</b>						
1	Санакулов Умиджон Қувондиқович	1983	ЎзЛиДеП	"Каолин Плюс" масъулияти чекланган жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	7-Новза
<b>ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ</b>						
1	Умаров Суннаталли Файзибоевич	1982	"Миллий тикланиш" ДП	"Ипотека-банк" Шайхонтоҳур филиали бўлими бошлиғи в.в.б	Тошкент вилояти	2-Кохота
2	Пайзиев Рустам Бахтиярович	1974	ЎзЛиДеП	"Электронурсервис" масъулияти чекланган жамияти директори, ЎзЛиДеП Шайхонтоҳур туман Кенгаши раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри	7-Қоратош
3	Бабаев Каримжон Набиджанович	1968	"Миллий тикланиш" ДП	"Ишонч" банклараро сугурта компанияси бош директори	Тошкент шаҳри	8-Чорсу
4	Садриддинова Гулноза Рафиковна	1967	ЎзХДП	Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиника бош шифокори	Тошкент шаҳри	9-Сархумдон
5	Ибрагимов Абдурахмон Азизович	1986	"Адолат" СДП	"Amirkhan Premium Group" масъулияти чекланган жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	12-Эшонгузар
6	Валиева Манзура Мўминовна	1950	ЎзЛиДеП	Шайхонтоҳур туманидаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Тошкент шаҳри	14-Янгиобод
7	Исаев Олимжон Турдимуратович	1962	ЎзЛиДеП	Тошкент меҳмонхона ҳўжалиғи ва сервис касб-ҳўнар коллежи директори	Тошкент шаҳри	16-Чарқовза
8	Азимова Умида Ильхамовна	1989	"Миллий тикланиш" ДП	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси	Тошкент шаҳри	17-Катта Оқтепа
9	Шамсутдинов Бахтиёр Умарович	1950	ЎзХДП	Шайхонтоҳур туманидаги "Шофайзи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Тошкент шаҳри	18-Шофайзи
10	Каримов Фахриддин Турдалиевич	1972	"Миллий тикланиш" ДП	"Yoshlar ovozi" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири	Тошкент шаҳри	20-Кўкча
11	Умаров Абдулворис Абдурахимович	1986	ЎзЛиДеП	"New Men Tex" масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри	21-Обиназир
12	Артиқходжаев Фарход Абидович	1959	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	"AGROMAX" масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри	23-Тинчлик
13	Азимов Саидбек Ибрагимович	1987	"Миллий тикланиш" ДП	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Котибияти мудираси	Тошкент шаҳри	25-Бўстон
14	Убаев Лутфулла Хайруллаевич	1958	ЎзЛиДеП	"Давр-банк" хусусий акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	26-Ипакчи
15	Ташханов Рустам Суръатович	1986	ЎзЛиДеП	"Design For You" масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри	29-Шодлик
16	Таджиев Одилжон Патихджанович	1984	"Миллий тикланиш" ДП	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари	Тошкент шаҳри	30-Белтепа
<b>ЙУНСОБОД ТУМАНИ</b>						
1	Аҳмедов Ташнияз	1953	ЎзХДП	Тошкент молия институти қошидаги Молия академик лицейи директори	Тошкент шаҳри	24-Посира



## ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ФАОЛЛИК ОШИРИЛМОҚДА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгашида маҳаллаларда иш юритишни тўғри ташкил қилиш, ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш, масъул котибларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари юзасидан билим ва малакаларини ошириш мақсадида пойтахтимиздаги барча туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг масъул котиблари учун ўқув семинарлари ташкил этилди.

Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам масъул ва кўмакдошига айлантириш ҳамда маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш каби устувор йўналишлар белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони ва тизимга оид бошқа қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан маҳалла фаолларини, айниқса, фуқаролар йиғини кенгаши аъзоларини таништириб боришда масъул котиб зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши, Адлия бошқармаси, Бандлик ва Молия бошқармалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тошкент шаҳар худудий бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар давлат архиви томонидан ташкил этилган семинар Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги Фармони ва тизимга оид бошқа қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятига бағишланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда, дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгашининг диний-маърифий масалалар бўйича бош мухтаassis Омила Арипова. Фуқаролар йиғини (Фуқаролар вакилларининг йиғилиши), йиғин кенгаши мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлаш, тегишли қарорлар ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда йиғин ҳузуридаги тафтиш комиссиясида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш, йиғин ходимларини ички меҳнат интизоми ва фуқаролар йиғини фаолиятини тартибга солишга доир бошқа ҳужжатлар билан таништириб бориш долзарб бўлиб қолмоқда.

Фуқаролар йиғини кенгаши аъзоларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари билан мунтазам таништириб бориш, фуқаролар йиғини фаолиятига доир ҳужжатлар юритилишини назорат қилиш, фуқаролар йиғини ва фуқаролар йиғини кенгаши мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлаш, фуқаролар йиғини ва фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) қарорларининг ижрочилигига ўз вақтида етказилишини таъминлаш тартиб-таомиллари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Мазкур семинар маҳаллаларда иш юритишни тўғри ташкил қилиш, ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш, масъул котибларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари юзасидан билим ва малакаларини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, дейди Чилонзор туманидаги "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Дилбар Пайзиева. Тадбирда турли ташкилот вакилларининг малакали ходимлари томонидан маърузалар тинглаб, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоблар олдик.

Зиёда РАСУЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 22 декабрь куни Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасини халқимиз ва кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан тингладик. Унда кейинги йилларда амалга ошириш лозим бўлган ишлар қаторида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига тўхталиб, фаолиятининг танқидий баҳолаб, олиб борилаётган ишларни тубдан кўриб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган.**

Албатта нодавлат нотижорат ташкилотлари ўтган фаолияти даврида бир қанча ишларни амалга ошириб келган бўлсада, эндиликда даврнинг ўзи иш фаолиятини бутунлай ўзгартириш, мурожаатномадан келиб чиққан ҳолда катта бурилишлар қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида жойларда аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни ҳал этиш, айниқса оғир ҳаётий вазиятга тушган ёки тушиш хавфи бўлган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш масаласи, таълим-тарбия ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олди олиш борасидаги ишларда ННТ иштироки етарли даражада сезилмаётганлигини таъкидлаб ўтилди.

Эндиликда нафақат Хотин-қизлар кўмитаси, балки барча ННТлари ўз

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ЯНАДА ЖИПСЛАШАЙЛИК

фаолиятларини яна бир бор танқидий кўриб чиқиб, ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бир-галликда, ҳамжихатликда жойлардаги уюлмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, аҳолининг заиф қатламлари ижтимоий ҳимоя қилиш, имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб муаммоларни ҳал этишда давлат органларига кўмакчи бўлиш жуда муҳимдир.

Президентимиз ушбу йўналишдаги яна бир долзарб муаммога тўхталиб

## 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши ўтган йили мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бўлди. Фармон бандларидан бирида "Буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инobatта олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларида "Темурбеклар мактаби" номи берилсин", деб белгиланган.

## БУЮК АМИР ТЕМУРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Ватан ҳимоячилари куни арафасида ЎзА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Тошкентдаги "Темурбеклар мактаби" директори ўринбосари, подполковник Қамбарали АЗИЗОВ билан ўқув масканига янги ном берилганидан сўнг амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар тўғрисида сўхбатлашди.

– Ёдингида бўлса, Тошкентдаги "Темурбеклар мактаби"га янги ном берилиши муносабати билан ўтган йили сентябрь ойида ўтказилган тақдиротда Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминовнинг Соҳибқирон Амир Темур образига ўқиган монологи тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирган эди...

– Ҳақиқатдан ҳам, таниқли санъаткорнинг чиқиши мазкур тантанали маросимнинг унутилмас воқеаларидан бири бўлган. Чунки Амир Темур ушбу монологи орқали кўз ўнгимизда Ватанини юксак қадрлайдиган, ўз халқига гамхўр, унинг ҳимоясига ҳамisha тайёр, жасур ва адолатпарвар шахс сифатида намоён бўлди. Ёшларда ана шундай юксак фазилатларни тарбиялаш жамоамизнинг муҳим вазифасидир.

– Мамлакатимиздаги ҳарбий академик лицейларни ислох қилиш босқичлари ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз.

– Биринчи Президентимизнинг 2007 йил 22 майдаги "Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қўриққа мувофиқ, Тошкентда ҳарбий-телекоммуникация, Самарқандда ҳарбий-қурилиш, Фарғонада ҳарбий-техник, Урганчда ҳарбий-юрдиқ соҳаларга ихтисослашган академик лицейлар ташкил этилди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, лицейлар юртимиздаги олий ўқув юртиларига бириктирилди. Булар: пойтахтимизда – Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Самарқандда – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Фарғонада – Фарғона политехника институти, Урганчда – Урганч давлат университети.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги фармонида мувофиқ, барча академик лицейларга "Темурбеклар мактаби" номи берилди ва улар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони тарихий воқеа бўлди, деб ҳеч муволағасиз айти оламан, негаки унда ёшларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрнини оширишга хизмат қилаётган кўп вазифалар белгиланган. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Келажак бунёдкори" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги қонунни маъқуллади.

– Ўқув масканига янги ном берилганидан сўнг таълим жараёнида қандай ўзгаришлар рўй берди? – Табиийки, буюк аждоғимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий-маънавий меросини ўрганишга бағишланган машғулотлар ҳамда оширилиши муносабати билан ўқув режаси ва дастурларига жиддий ўзгаришлар киритилди.

Таълим даргоҳимизнинг ўқув-моддий базасини янги плакатлар, кўрағамли воситалар, турли адабиётлар билан бойитишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ҳиссаси катта бўлди.

– Ёшларни Миллий гвардиянинг Тошкентдаги "Темурбеклар мактаби"га қабул қилиш шартлари қандай?

– Барча ана шундай ўқув масканларида, улар қаерда жойлашганидан қатъий назар, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ёки Урганчда бўладими, қабул қилиш шартлари бир хил. Мактабимизга умумтаълим мактабининг 9-синфини тугатган, уч саралаш босқичидан ўтган



ёшлар қабул қилинади. Биринчи – дастлабки босқич яшаш жойидаги муҳофаа ишлари бўлими томонидан ўтказилади. Иккинчи босқич – вилоятлар муҳофаа ишлари бошқармаларининг ҳарбий профессионал саралаш босқичи ва учинчиси – давлат тест синовларида. Тест синовлари "Темурбеклар мактаби"да бўлиб ўтади. Табиийки, номзодлар ҳарбий хизмат учун соғлом бўлиши лозим.

Давлат имтиҳон комиссиясининг қарорига мувофиқ, хизмат бурчининг адо этиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг фарзандлари – тегишли идора ёки вазирликнинг ёзма илтимосномасига кўра синовнинг биринчи босқичидан ўтган ёшлар тест синовларидан озод этилиши мумкин.

Шунингдек, халқро ва фан олимпиадалари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси томонидан ўтказилган турли мусобақалар гойиблари ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази гувоҳномасига эга бўлган ҳолда, тест синовларидан озод этилади.

– "Темурбеклар мактаби" ўқув маскани мавқеининг ошishi муносабати билан унинг ўқитувчилар таркибига номзодларни қабул қилиш талаблари қай даражада ўзгарди?

– Албатта, бу борада ҳам талаблар ошди. Чунки ёшларда Ватанга садоқат, мардлик, фидойилик ва одиллик каби юксак инсоний фазилатларни тарбиялашда устунонинг ўзи барчага ўрнак бўлиши лозим. У камида ўн йиллик педагогик фаолиятга эга, ижодий изланувчан, юксак маънавиятли инсон бўлиши, соғлом турмуш тарзига амал қилиши ва мақолалари билан оммавий ахборот воситаларида иштирок этиб бориши лозим.

"Темурбеклар мактаби" бўлим кўмондонлари лавозимига кадрлар шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, Қуролли Қучлар томонидан "Энг яхши касб эгаси" унвони учун ўтказилган танлов гойиблари ҳамда ҳарбий округлар Сержантлар тайёрлаш мактабини битирган мутахассислар орасидан танлаб олинади.

– Ўқувчиларнинг учун "Темур тузуқлари"нинг қайси шiori энг муҳим саналади?

– "Куч – адолатдадир". Мактабимиз ўқувчилари спорт залларида мунтазам шугулланади, лекин айни пайтда улар куч фақатгина адолат ва унинг ҳимояси йўлида ишлатилиши лозимлигини доимо ёдда сақлайди. Буюк Амир Темур номига муносиб бўлишга интилишимизнинг боиси ҳам шунда.

Аблай КАМЛОВ сўхбатлашди

рий этиш мақсадида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш зарурлигини билдирдилар.

Шу муносабат билан, барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашларини ташкил этишни тақдир қилдилар. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозимлигини таъкидлаб ўтилди.

Бу қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашда ва халқимизнинг давлат органларига нисбатан ишончини оширади ҳамда ННТларни бевосита иштирок этиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари учун давлат томонидан муносиб шарт-шароитлар яратилаётганлигининг ёрқин мисолидир.

Мурожаатномада кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш пировард натижада халқимиз турмуш шароитини яхшилашга, унинг оиласи тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

И. ХОДЖАЕВ,  
ЎЗННТМА ижroiа аппарати  
гурух раҳбари

## Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТУМАНЛАРИДА КЎЧМА САВДО ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЎРИНЛАР Сони, СОТИЛАДИГАН ТОВАРЛАР РЎЙХАТИ ВА КЎЧМА САВДО ДАВРИ КЎРСАТИЛГАН КЎЧМА САВДО ОБЪЕКТЛАРИ ЖОЙЛАШИШИ СХЕМАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 июлдаги "Кўчма савдога ружсат бериш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 339-модда) 233-сонли қарори ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, уларни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳри туманларида кўчма савдо объектларининг ўринлар сони, сотиладиган товарлар рўйхати ва кўчма савдо даври кўрсатилган кўчма савдо объектлари жойлашиши схемалари Бектемир тумани бўйича 1-иловага, Миробод тумани бўйича 2-иловага, Мирзо Улуғбек тумани бўйича 3-иловага, Олмазор тумани бўйича 4-иловага, Сергели тумани бўйича 5-иловага, Учтепа тумани бўйича 6-иловага, Чилонзор тумани бўйича 7-иловага, Шайхонтохур тумани бўйича 8-иловага, Юнусобод тумани бўйича 9-иловага, Яққасарой тумани бўйича 10-иловага, Яшнобод тумани бўйича 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Хусанов), Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Компьютерлаштириш маркази ДУК (М.Асамов), туман ҳокимликлари:

уч кун муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган Тошкент шаҳри туманларида кўчма савдо объектларининг ўринлар сони, сотиладиган товарлар рўйхати ва кўчма савдо даври кўрсатилган кўчма савдо объектлари жойлашиши схемалари туманларда расмий веб-сайтларга жойлаштирилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимлари, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (М.Пардаев), Давлат санитария эпидемиология назорати маркази (Б.Адилов), Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (Б.Холматов), Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси (М.Тоҳиров):

кўчма савдо объектларининг тасдиқланган жойлашиш схемаси илова қилинган ружсатнома аризада кўрсатилган муддатга, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш марказлари орқали берилиши;

кўчма савдонинг амалга ошириш ружсатномасини олган тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларига, шу жумладан чакана савдо қондаларига, санитария қондаларига, нормаларга ва гигиеник нормативларга мажбурий риоя қилиши;

харидорлар билан нақд пулдан ҳисоб-китоб қилишда фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш;

банк пластик қарточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминали мавжудлиги;

кўчма савдо жойини ва атроф худудни зарур тарздаги санитария ҳолатида сақлаш;

сотувчиларда кўчма савдо объекти ружсатномасининг ва унинг жойлашишининг тасдиқланган схемасининг ва сотиладиган товарларнинг келиб чиқиши, сифати ва хавфсизлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхалари бўлиши, шунингдек улар назорат органларининг мансабдор шахслари талабларига кўра кўрсатилиши;

иш куни тамом бўлгандан кейин кўчма савдо объектларини қисмларга ажратиш ёки кўчириш ва кўчма савдо жойини зарур тарздаги санитария ҳолатига келтириш;

товарларни ружсатномага мувофиқ объектлар орқали ва кўчма савдо жойи бўйича сотилиши бўйича назорат ўрнатилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Хусанов):

туманлар худудида жойлаштирилган кўчма савдо объектларида фаолият олиб бориш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқилаётганлиги доимий муҳокама қилиб борилисин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва [www.tashkent.uz](http://www.tashkent.uz) веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 26 октябрдаги "Тошкент шаҳри туманларида кўчма савдо объектларининг ўринлар сони, сотиладиган товарлар рўйхати ва кўчма савдо даври кўрсатилган кўчма савдо объектлари жойлашиши схемаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 965-сонли қарорига 2016 йил 25 ноябрдаги "Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 26 октябрдаги "Тошкент шаҳри туманларида кўчма савдо объектларининг ўринлар сони, сотиладиган товарлар рўйхати ва кўчма савдо даври кўрсатилган кўчма савдо объектлари жойлашиши схемаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 965-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги 1051-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилинсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими  
Р.Усманов

2017 йил 29 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг [www.tashkent.uz](http://www.tashkent.uz) сайты орқали танишиш мумкин.



